



UZBEKISTAN



**“TURISTIK HUDUDLARNING  
ZAMONAVIY KONTENTI:  
muammolar va innovatsion yechimlar”**  
xalqaro ilmiy-amaliy anjumani

**International scientific and practical conference**

**“MODERN CONTENT OF TOURIST  
DESTINATIONS:  
problems and innovative solutions”**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI  
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI**

**“TURISTIK HUDUDLARNING ZAMONAVIY KONTENTI:  
MUAMMOLAR VA INNOVATSION YECHIMLAR”**

**mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy anjumani  
TEZISLAR TO‘PLAMI  
Buxoro shahri 2023-yil 16-iyun**

**\*\***

**СБОРНИК ТЕЗИСОВ  
международной научно-практической конференции на тему  
«СОВРЕМЕННЫЙ КОНТЕНТ ТУРИСТИЧЕСКИХ ТЕРРИТОРИЙ:  
ПРОБЛЕМЫ И ИННОВАЦИОННЫЕ РЕШЕНИЯ»**

**г. Бухара, 16 июня 2023 года**

**\*\***

**International scientific and practical conference on the topic  
"MODERN CONTENT OF TOURIST DESTIANTIONS: PROBLEMS AND  
INNOVATIVE SOLUTIONS"  
JUNE 16, 2023**

**“Turistik hududlarning zamonaviy kontenti: muammolar va innovatsion yechimlar”** [Matn] / N.S. Ibragimov. - Buxoro: OOO "Sadriddin Salim Buxoriy" Durdona nashriyoti, 2023. - 495 b.

**Dasturiy qo‘mita:** i.f.d. O.X. Xamidov, f-m.f.d. T.H. Rasulov, O‘.U.Rashidov, i.f.d. B.N.Navruz-Zoda, i.f.n. D.Sh.Yavmutov., i.f.n. A.T.Jo‘raev, i.f.n. J.R. Toxirov, i.f.d. N.S.Ibragimov, .

**Tahrir hay‘ati:** i.f.d. N.S.Ibragimov, i.f.n. A.T.Jo‘raev, , t.f.n. G.T.Zaripov, i.f.n. D.Sh.Yavmutov, i.f.n. S.S. Ro‘ziyev, i.f.f.d. J.R.Toxirov, O.Q.Xurramov, I.O.Davronov, K.Sh.Yuldashev

**To‘plam i.f.d., professor N.S. Ibragimov umumiy tahriri ostida chop etildi.**

**Сборник опубликован под общей редакцией д.э.н., проф.,  
Н.С.Ибрагимова**

Mazkur to‘plamga kiritilgan maqolalar va ma’ruza tezislarining mazmuni, undagi statistik ma’lumotlar, sanalarning to‘g‘riligiga hamda tanqidiy fikr-mulohazalarga mualliflarning shaxsan o‘zlari mas’uldirlar.

**Авторы несут личную ответственность за содержание статей и тезисов, включенных в этот сборник, содержащуюся в них статистику, точность дат и критические комментарии.**

14. В. Берес, П.М. Хавранек. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 528 с.
15. Бирман Г., Шмидт С. Капиталовложения: Экономический анализ инвестиционных проектов: Пер с англ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. – 632 с.
16. Вахрин П.И. Организация и финансирование инвестиций: (Сборник практических задач и конкретных ситуаций). М.: Маркетинг, 2015. – 444 с.
17. Веретенникова И.И., Сергеев И.В. Организация и финансирование инвестиций: Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2014. – 342 с.
18. Игонина Л.Л. Инвестиции: учеб. пособие / Л.Л. Игонина; под ред. д-ра экон. наук, проф. В.А. Слепова. – М.: Экономистъ 2005. – 478 с.
19. 2017 ВЕСТНИК ИНСТИТУТА ЭКОНОМИКИ И УПРАВЛЕНИЯ НОВГУ № 3(25)

*Навруз-зода Лайли Бахтиёровна  
Маркетинг ва менежмент кафедраси доценти  
Рўзимуродова Зарина Ғафуровна  
Менежмент йўналиши 1-босқич магистранти  
Бухоро давлат университети*

### **ИНСОН ТАДБИРКОРЛИК ҚОБИЛИЯТИ НАМОЁН БЎЛИШИНИНГ АНЪАНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ШАКЛЛАРИ**

**Аннотация:** мақолада тадбиркорлик қобилиятининг намоён бўлиш шакллари 2 та гуруҳга ажратиб ўрганилган. Инсон тадбиркорлик қобилияти намоён бўлишининг анъанавий ва замонавий шакллари тавсия қилинган. Инсон тадбиркорлик қобилияти намоён бўлишининг анъанавий ва замонавий шакллари ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тадбиркорлик қобилияти, анъанавий, замонавий, тадбиркор.

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим шарт-шароитларидан бири ишлаб чиқаришнинг шахсий омили сифатидаги тадбиркорлик қобилиятини бизнес амалиётида намоён этиб, унумли ишлата олишдан иборат. Тадбиркорлик фаолиятининг сифат ўлчови ва ўзига хос товар бўлмиш “тадбиркорлик қобилияти” микроиқтисодиётда турли шаклларда намоён бўлиб, айирбошлаш предметиға айланади. Тадбиркорлик қобилиятини айирбошлаш хусусиятларини аниқлаш мақсадида, унинг намоён бўлиш шакллари биз умумлашган ҳолда 2 та гуруҳга ажратишни тавсия этамиз:

I. Инсон тадбиркорлик қобилияти намоён бўлишининг “якка тартибдаги тадбиркор”, “кичик тадбиркор”, “менежер”, “оилавий тадбиркор” каби **анъанавий шакллари**.

II. Инсон тадбиркорлик қобилияти намоён бўлишининг “ўзини ўзи банд қилган шахслар”, “ички тадбиркор”, “инновацион тадбиркор”, “инвестор”, “бизнес-консультант”, “маҳаллада тадбиркорликнинг ташкилотчиси” каби **замонавий шакллари**.

Инсон тадбиркорлик қобилияти намоён бўлишининг анъанавий ва замонавий шакллариға тафсилот 1-жадвалда келтирилган бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини батафсил кўриб чиқамиз.

**1. Якка тартибдаги тадбиркор** юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Унинг ўзига хос хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- соддалаштирилган рўйхатдан ўтиш тартибининг жорий қилинганлиги;
- ушбу тадбиркорлик шаклидан олинadиган солиқлар бўйича имтиёзларнинг мавжудлиги;
- ходимларни ёллаш ҳуқуқиға эға эканлиги;
- хусусий ишни бошлаш учун давлат томонидан субсидиялар берилиши;
- шуғулланиши мумкин бўлган 88 та фаолият турлари 2011 йил 6 январ кунидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори<sup>1</sup> билан аниқ белгилаб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги “Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши  
227

қўйилганлиги;

-индивидуал тадбиркорлик билан шуғулланиш учун меҳнатсеварлик қатъиятлилиқ, ташаббускорлик, жасорат, топқирлик, мулоқотга киришувчанлик каби шахсий сифатларининг зарурлиги ва бошқа.

1-жадвал

**Инсон тадбиркорлик қобилиятининг намоён бўлиш шакллари тафсилот<sup>2</sup>**

| Т\р | Тадбиркорлик қобилиятининг намоён бўлиш шакллари | Тафсилот                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |
|-----|--------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1   | Якка тартибдаги тадбиркор                        | мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширадиган жисмоний шахс <sup>3</sup> ва эндиликда беш нафаргача ходимларни ёллаш ҳуқуқига эга <sup>4</sup> . |
| 2   | Кичик тадбиркор                                  | чекланган миқдорда ёлланма ишчилар меҳнатидан фойдаланувчи тадбиркорлик, корхона ва микрофирмалар эгаси <sup>5</sup> .                                                                                                                                                                                                                         |
| 3   | Менежер (ингл. manager, - «бошқариш»)            | корхона ва компания эгалари бўлмаган, махсус тайёргарлик кўрган, бошқаришнинг қонун-қоидаларини чуқур билувчи малакали мутахассис-ёлланма бошқарувчи <sup>6</sup> .                                                                                                                                                                            |
| 4   | Оилавий тадбиркор                                | оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти билан шуғулланувчи <sup>7</sup> .                                                                                                                                                          |
| 5   | Ички тадбиркор                                   | бу тадбиркорлик корхонасининг ёлланма ходими, у бизнес эгаси сингари барча муаммони ҳал қилиш учун таваккал ва имкони борида саъй-ҳаракат қилади <sup>8</sup> .                                                                                                                                                                                |

мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.05.2022 й., 09/22/255/0412-сон.

<sup>2</sup> Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” Қонун. 69-П-сон 25.05.2000. <https://lex.uz/docs/31846>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги “Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёлланган ходимларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш ҳамда солиқ солинадиган даромадлар ва чегириладиган харажатлар ҳисобини юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 707-сон қарори. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.11.2021 й., 09/21/707/1088-сон).

<sup>5</sup> Эшов М.П. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истикболлар. Монография. –Т.. «Маънавият», 2017. – 16 б.

<sup>6</sup> Менежер. QOMUS.INFO. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/menejer-uz/>

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Оилавий тадбиркорлик тўғрисида. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й. 17-сон, 188-модда, 2017 й. 1-сон, 1-модда.

<sup>8</sup> Pinchot G. 1985. Intrapreneuring. New York: Harper & Row.365 p.

|    |                                     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            |
|----|-------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 6  | Ўзини ўзи банд қилган шахслар       | меҳнат даромади олишга йўналтирилган, жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил амалга оширадиган, яқка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинмаган, меҳнат стажига ҳисобга олиниши ва рағбатлантирувчи имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи билан давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар <sup>9</sup> . |
| 7  | Инновацион тадбиркор                | янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек, ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича инновацион фаолиятни амалга оширувчи жисмоний шахслар <sup>10</sup> .                                                                                                                                                                                                                                          |
| 8  | Инвестор                            | фойда олиш мақсадида инвестиция фаолияти объектларига ўзининг маблағларини ва (ёки) қарз маблағларини ёхуд жалб қилинган бошқа инвестиция ресурсларини инвестиция қилишни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти <sup>11</sup> .                                                                                                                                                                                                     |
| 9  | Бизнес-консультант                  | бизнес самарадорлигини, тадбиркорлик жараёнларининг унумдорлигини ва компаниянинг фойдасини ошириш мақсадида тадбиркорлар ва менежментга эксперт ёрдам кўрсатувчи <sup>12</sup> .                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 10 | Маҳаллада тадбиркорлик ташкилотчиси | маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг турли шакллардаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун муносиб имкониятларини яратиб бериш эвазига ишсиз ва кам таъминланган одамларнинг меҳнат лаёқати ва тадбиркорлик қobiliятини рўйёбга чиқаришда кўмаклашадиган ҳокимнинг ёрдамчиси <sup>13</sup> .                                                                                                                                      |

**2. Кичик тадбиркор** “корхона эгасининг меҳнат ва корхонани бошқаришга муносабати ҳамда ишловчилар билан алоқаси даражасидан, миқдорий мезонлар сифатида корхонада банд бўлган ишчилар сони ва йиллик товар айланмасидан фойдаланиш”<sup>14</sup>

<sup>9</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон “Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарор. *Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси*, 24.12.2020 й., 09/20/806/1662-сон.

<sup>10</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида” ги Қонуни, 2020 йил 24 июль. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 03/20/630/1101-сон.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 2019 йил 25 декабрь. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2019 й., 03/19/598/4221-сон. <http://icpmconsulting.com.ua/biznes-konsalting>.

<sup>12</sup>Бизнес-консалтинг. ICPM Consulting «Консалтинговый центр института профессиональной сертификации менеджеров»

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги ПФ-29-сон «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>14</sup> Эшов М.П. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истикболлар. Монография. –Т.. «Маънавият», 2017. – 16 б.

ўлчовлари билан фарқланиб туради. Бундай тадбиркорнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- юридик шахс сифатида фаолият кўрсатиш;
- тадбиркорлик корхонаси ва микрофирмаларнинг эгаси, ишчиси ва бошқарувчиси унинг таъсисчиси ҳисобланиш;
- чекланган миқдорда ёлланма ишчилар меҳнатидан фойдаланиш;
- корхона доирасида фойда миқдорини кўпайтириш имкониятининг кўплиги;
- кичик тадбиркор бизнес юритиш касбий малакасига эга бўлиши;
- кичик корхоналар ҳунарманд мақомига эга бўлиши;
- корхонанинг йиллик товар айланмаси асосида солиққа тортиш тизимининг мавжудлиги;
- давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг муносиб механизмларининг мавжудлиги ва б.к.

**3. Менежер.** Инсон тадбиркорлик қобилияти намоён бўлишининг учинчи шаклини корпоратив тадбиркорлик тизимида менежер лавозимини эгалланган ҳолда компанияни бошқариш фаолияти билан шуғулланиш ташкил этади. Бизнеснинг ривож топиб, якка тартибдаги тадбиркорлигидан шерикчиликка ва ундан корпоратив тадбиркорлик даражасига кўтарилиши билан бизнес-функциялари мураккаблашиб боради-да, уларни бажариш учун профессионал бошқарувчи – менежерларга эҳтиёж пайдо бўлади.

**4. Оилавий тадбиркор.** Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни жадал ривожлантириш асосида камбағалликни қисқартириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. “Оила бошлиғи томонидан ташкил этилган ва унда оила аъзолари турли лавозимларда ишлайдиган бизнес тури”<sup>15</sup> оилавий тадбиркорлик дейилади. Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари меҳнатига асосланади ва қуйидаги шаклларда олиб борилади: 1) якка тадбиркорлик оиланинг битта аъзоси томонидан олиб борилади ва унда оиланинг бошқа аъзолари кўмакчи сифатида бизнес ишида қатнашиши мумкин; 2) касаначилик шаклида фаолият кўрсатади; 3) оилавий корхона шаклида оила аъзолари томонидан хўжалик юритилади.

**5. Ички тадбиркор (интрапренёр).** Кичик бизнеснинг юксалиб бориши сари секин-асталик билан ўрта ва йирик бизнес даражасига кўтарилиб боради ва уларда кўп сонли ёлланма ходимлар фаолият кўрсатади. Ўрта ва йирик бизнес корхоналарида фаолият кўрсатадиган мутахассислар орасида тадбиркорлик қобилияти ривожланган ходимлар ҳам фаолият кўрсатиб, мазкур корхонанинг тадбиркорлик ресурсини ташкил этади. Бундай тоифа ходимларга корхона раҳбарияти томонидан тегишли шарт-шароитлар яратилиб, муносиб рағбатлантириш тизими йўлга қўйилганда, улар касбий меҳнат фаолияти билан бир қаторда корхона ривожини учун ўз тадбиркорлик қобилиятини ҳам намоён қилиб боради. Яъни бу ерда гап “ички тадбиркорлик” ва “ички тадбиркорлар” ҳақида кетяпти.

“Ички тадбиркорлик” инглизча “intrapreneurship” (русчасида “интрапренерство”) сўзидан олинган бўлиб, инглиз тилидаги адабиётларда уни “ташкилотда ишлайдиган одамлар томонидан доимий фаолият доирасидаги ўзгаришлар ташаббускорлари”<sup>16</sup> деб, таърифланади. “Ички тадбиркорлик фаолияти (intrapreneuring) – корпоратив ишда ишлаётган бўлса-да, ўз компаниялари томонидан ўз фойдалари ва компаниялар учун ўз ғояларини яратиш учун эркинлик ва рағбатга эга бўлган ички тадбиркорлардир”<sup>17</sup>. Ички тадбиркорлик компания ўз ходимларининг ижодий салоҳиятидан самарали фойдаланишни назарда тутди. Ички тадбиркор ёлланма ходим бўлмиш ўз тафаккур тарзи билан жамоасида сезиларли фарқланиб туради ва унинг равнақи учун хизмат қилади.

**6. “Ўзини ўзи банд қилган шахслар.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон “Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида

<sup>15</sup>Бархатова Н. М. (1999). Семейный бизнес и семья в бизнесе // ЭКО, №2. (<http://ecotrends.ru/subscribe/1841-2014-03-06-10-13-03>)

<sup>16</sup>Differences among Entrepreneurship, Intrapreneurship, Manager. <https://www.iedunote.com/difference-entrepreneur-intrapreneur-manager>.

<sup>17</sup> Pinchot G. 1985. Intrapreneuring. New York: Harper & Row.365 p.

фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”<sup>18</sup>ги қарорнинг 1-иловасида “Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом” тасдиқланган. Унда ўзини ўзи банд қилган шахс махсус мобил илова ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ёхуд давлат солиқ хизмати органига келган ҳолда рўйхатдан ўтиш мумкинлиги ва рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида матрицали штрих кодга (QR-код) эга бўлиши ҳамда меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб берилган.

**7. Инновацион тадбиркор.** Тадбиркорлик қобилиятининг муҳим фазилатларидан бири – бу инноваторликдир. Янги ғояларни вужудга келтириш, янги маҳсулот ва хизматларни яратиш ва уларни амалда жорий қилиш тадбиркор шахсга хос фазилат ҳисобланади. Инновацион тадбиркорликнинг хусусиятларига:

-харажат талаб этилувчанлиги (инновацияларни яратиш ва жорий қилиш катта ҳажмда молиявий маблағларни талаб қиллади);

-инновацияларни тижоратлаштиришнинг мураккаблиги ва узок муддат вақт талаб этиладиганлиги;

-билимларни катта пулларга айлантириш хусусияти;

-юқори таваккалчилик хусусиятга эгаллиги;

-инновацияларни бошқаришда лойиҳавий ёндашувни қўллаш зарурлиги;

-инновацион маҳсулотни баҳолашнинг ўзига хослиги.

**8. Инвестор.** Инвестицияларни амалга ошириш мақсадида ортиқча молиявий маблағи мавжуд бўлган тадбиркорлар инвестицион фаолият билан шуғулланади. Улар бу фаолият билан ҳам жисмоний шахс ва ҳам юридик шахс сифатида шуғулланиши мумкин. Инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, молиявий ва ижтимоий турларга бўлинади. Инвестицион фаолияти қуйидаги хусусиятларга эга: ноаниқлик (инвестиция фаолияти таваккалчиликнинг ўзига хос “инвестицион таваккал” билан тавсифланади); фойдани кутиб туриш (инвестицион жараёнида фойда анча секинлик билан шаклланади); қайтарилмаслик хусусияти; пул оқимларининг даврийлиги ва бошқалар.

**9. Бизнес-консультант** – бу бизнес самарадорлигини, тадбиркорлик жараёнларининг унумдорлигини ва компаниянинг фойдасини ошириш мақсадида тадбиркорлар ва менежментга эксперт ёрдам кўрсатиш шаклидир<sup>19</sup>. Бизнес-консалтинг фаолиятида йиллар давомида тадбиркорлик қобилиятини назарий ва амалий жиҳатдан юксалтириб келган тажрибали бизнес-экспертлар томонидан тадбиркорлик субъектлари намояндаларига эксперт маслаҳатлар берилади. Бунда бизнес-маслаҳатчи бой тадбиркорлик тажрибасини бизнес вакиллари ўқитиш ҳамда тадбиркорлик субъектларини диагностика ўтказиш орқали муаммоларини ечиб бериш йўли билан ўз тадбиркорлик қобилиятини то кексалик давригача намоён қилган ҳолда бизнес консалтинг фаолияти билан шуғулланиб, ундан даромад олади.

**10. Маҳалла тадбиркорлиги ташкилотчиси.** Инсон тадбиркорлик қобилияти намоён бўлишининг Янги Ўзбекистонга хос инновацион шакли сифатида маҳалла даражасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашадиган “ҳоким ёрдамчиси” институти ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги ПФ-29-сон “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Фармони<sup>20</sup> мувофиқ 2022 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар,

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон “Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарор. *Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси*, 24.12.2020 й., 09/20/806/1662-сон.

<sup>19</sup> Бизнес-консалтинг. ICPM Consulting «Консалтинговый центр института профессиональной сертификации менеджеров» <http://icpmconsulting.com.ua/biznes-konsalting>.

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги ПФ-29-сон «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси лавозими таъсис этилди.

“Ҳоким ёрдамчиси” лавозимининг маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ вазифалари ва фаолият йўналишлари ички имкониятларини ишга солиш орқали маҳалланинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш; маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг оилавий тадбиркорлиги билан шуғулланиш учун имтиёзли кредитлар олишга кўмаклашиш; ишсиз аҳолини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига йўналтириш; тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг тегишли ташкилотлар томонидан ҳал этилишини ташкил этиш кабилардан иборат.

Юқорида тавсифланган тадбиркорлик қобилятининг микроиқтисодиётда намоён бўлиш ва айирбошлашнинг 10 та анъанавий ва замонавий шакллари меҳнат ёшига етган аҳоли қатламлари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, пул топиш учун қулай иқтисодий имконият ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” Қонун. 69-II-сон 25.05.2000. <https://lex.uz/docs/31846>.
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Оилавий тадбиркорлик тўғрисида. ЎЗР қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й. 17-сон, 188-модда, 2017 й. 1-сон, 1-модда.
3. Бархатова Н. М. (1999). Семейный бизнес и семьи в бизнесе // ЭКО, №2. (<http://ecotrends.ru/subscribe/1841-2014-03-06-10-13-03>)
4. Pinchot G. 1985. Intrapreneuring. New York: Harper & Row. 365 p.
5. Эшов М.П. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истикболлар. Монография. –Т.. «Маънавият», 2017. – 16 б.

*Atoyeva V.A., BuxDU, talaba  
Axrorova N.U., BuxDU, o'qituvchi*

### **O'ZBEKISTONDA ICHKI VA ZIYOTAT TURIZMINI RIVOJLANTIRISH CHORA-TADBIRLARI AHAMIYATI**

**Annotatsiya:** *Ushbu maqolada O'zbekistonda sayyohlik turizmining rivojlanish jarayonlari, unga ta'sir etuvchi omillar va shart-sharoitlar tahlil qilinadi, hamda bu soha bilan bog'liq muammolar va ularning yechimlari haqida tushuncha beriladi. Bugungi kunda O'zbekistonda ichki va ziyorat turizmini rivojlantirishga katta e'tibor qaratilmoqda. Ichki va ziyorat turizmining turistik marshrutlari ishlab chiqilib, sayyohlarga xizmat ko'rsatish uchun zarur infratuzilma shakllantirilib, kadrlar tayyorlash masalasiga e'tibor qaratilmoqda.*

**Kalit so'zlar:** *O'zbekiston, diniy turizm, ziyorat turizmi, turistik marshrutlar, muqaddas qadamjolar va obidalar, kichik ziyorat, kichik haj, islom dini, ziyorat vizasi.*

Mamlakatda turizmini milliy iqtisodiyotni diversifikatsiya qilish, hududlarni jadal rivojlantirish, yangi ish o'rinlarini yaratish, aholining daromadlari va turmush darajasini oshirish, mamlakatning investitsiyaviy jozibadorligini oshirishni ta'minlovchi strategik tarmoqlardan biri sifatida rivojlantirish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar bosqichma-bosqich amalga oshirilmoqda.

Viza rejimining liberallashtirilishi, chet el fuqarolarini ro'yxatga olish tartibining soddalashtirilishi, turizm tarmog'ini rivojlantirish uchun imtiyoz va preferensiyalar berilishi milliy turizm salohiyatini ichki va tashqi bozorlarda samarali targ'ib qilish imkonini berdi.

Viza rejimining liberallashtirilishi, chet el fuqarolarini ro'yxatga olish tartibining soddalashtirilishi, turizm tarmog'ini rivojlantirish uchun imtiyoz va preferensiyalar berilishi milliy turizm salohiyatini ichki va tashqi bozorlarda samarali targ'ib qilish imkonini berdi. Shu bilan birga, o'tkazilgan tahlillar turizm tarmog'ini tartibga soluvchi normativ-huquqiy asosning